

## ГАЗЕТА МАТНЛАРИНИНГ СТАНДАРТЛИК ДАРАЖАСИ: КЛИШЕ ВА ШТАМПЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ҲАМДА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Шаҳодат Усмонова**

Мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## СТАНДАРТНОСТЬ ЯЗЫКА ГАЗЕТНОГО ТЕКСТА: СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КЛИШЕ И ШТАМПОВ

**Шаходат Усмонова**

Самостоятельный соискатель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## STANDARD LEVEL OF NEWSPAPER TEXTS: STYLISTIC AND SEMANTIC FEATURES OF CLICHÉS AND STAMPS

**Shahodat Usmonova**

Independent Researcher,

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan [lola9779@mail.ru](mailto:lola9779@mail.ru)

UDC (УЎК, УДК): 81'751

### **For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):**

Усмонова Ш. Газета матнларининг стандартлик даражаси: клише ва штампларнинг стилистик ҳамда семантик хусусиятлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — Б.216-230.

<https://doi.org/10.36078/1626420927>

**Received:** May 05, 2021

**Accepted:** June 17, 2021

**Published:** June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Бугунги кунда замонавий газета матни турли хил троп ва фигуралар, фразеологик бирликлар, мақоллар, маталлар, иборалар каби экспрессив-эмоционаликни оширувчи тил воситалари билан бойитилмоқда. Шунга қарамай, стандарт матн тузилмаларига бўлган эҳтиёж ханузгача долзарблик касб этиб келмоқда. Шу боис, газета матнларининг стандартлик даражаси олимлар томонидан ўрганилмоқда ва янгидан-янги изланишлар олиб борилмоқда. Маълумки, газета матнини шакллантиришга хизмат қиладиган асосларнинг бир тури сифатида қабул қилинган ҳамда стандарт тузилмаларга тегишли бўлган нутқий штамп ва клишелар барқарор, ўзига хос, такрорланувчи, ўз навбатида, эса қоларли шаклга эга семантикаси билан ажралиб туради. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, стереотип бирликларнинг клише ва штампганини стереотиплик категорияси, стереотип ибораларнинг бирлигини ташкил этувчи умумий хусусият бўлиб хизмат қилади. Мақолада клише ва штампларнинг таърифлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари ҳақида маълумотлар берилган. Клише ва штампларнинг стилистик ва семантик хусусиятлари, стереотиплик категорияси турли усуллар орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, стереотип иборалар ва атамалар ўртасидаги фарқлар, уларнинг захирасини тўлдириб боришнинг асосий манбалари ҳамда услубий-семантик хусусиятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** клише; штамп; стереотип; категория; семантик; услубий; стандарт.

**Аннотация.** Сегодня текст современной газеты обогащается различными тропами и фигурами, фразеологизмами, пословицами, притчами, выразительно-эмоциональными языковыми средствами. Тем не менее потребность в стандартных текстовых структурах по-прежнему актуальна. Поэтому стандартный уровень газетных текстов изучается учеными и проводятся новые исследования. Известно, что речевые штампы и клише, принятые в качестве основы для формирования газетного текста и относящиеся к стандартным структурам, отличаются устойчивой, своеобразной, повторяющейся семантикой с запоминающейся формой. По мнению многих исследователей, клише и воспроизводство стереотипных единиц служат общим признаком, составляющим стереотипную категорию, единство стереотипных выражений. В статье приведены описания клише и штампов, их особенности и характеристики. Изучаются различия между стереотипными словосочетаниями и терминами, основные источники пополнения их запаса, а также их стилистические и семантические особенности.

**Ключевые слова:** клише; штамп; стереотип; категория; семантический; стилистический; стандарт.

**Abstract.** Today, the text of a modern newspaper is enriched with various tropes and figures, phraseological units, proverbs, parables, phrases, expressive and emotional linguistic means. However, the need for standard text structures is still relevant. It is known that speech stamps and clichés, taken as the basis for the formation of newspaper text and referring to standard structures, are distinguished by stable, original, repetitive, in turn, semantics with a memorable form. According to many researchers, clichés and the stamping of stereotypical units serve as a common feature that makes up a stereotypical category, the unity of stereotypical expressions.

The article contains descriptions of clichés and stamps, their features and characteristics. The stylistic and semantic features of clichés and stamps, a stereotyped category have been analyzed from different viewpoints. Differences between stereotypical phrases and terms, the main sources of their replenishment, as well as stylistic and semantic features are studied.

**Keywords:** cliché; stamp; stereotype; category; semantic; stylistic; standard.

**Кириш.** Газета замонавий жамиятдаги ҳар бир воқеликни ўқувчиларга лисоний воситалар орқали етказишда муҳим ўрин тутиши билан бирга оммавий ахборот воситалари орасида ва тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам амалга оширишда асосий роль ўйнайди. Қолаверса, стилистик воситалар орқали воқеаларни ёритиш айнан барча ОАВнинг энг қадимийси ҳисобланган газетада шаклланган. Шунинг учун газета тили оммавий ахборот воситалари нутқ услубининг асосини ташкил этади.

Газета тилига хос андозавий бирликлар ОАВ фаолияти маҳсули ҳисобланади. Чунки улар фақат ОАВ доирасида яратилади ва қўлланилади (18, 108). Газета тилида стандартлик ахборот етказиш зарурати ва тезкорлиги билан белгиланади. Андозавийлик, яъни муайян сўз бирикмалари ва жумлаларни қайта-қайта қўллаш ҳодисаси тилнинг барча услубларида кузатилади. Л. В. Шчерба уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида: “Адабий тилимиз бизни аввалдан тахт қилиб қўйилган тайёр қолипларни ишлатишга мажбур этади”, — деб ёзган эди (19, 28). Ш. Балли “... тилда қолиплик, андозавийлик

журналистик фаолиятдаги тезкорлик, мавзулар ва вазиятларнинг такрорланувчанлиги ҳамда даврийлиги туфайли юзага келади”, — деб ҳисоблайди (2, 109).

Тадқиқотчилар орасида қолип ва андоза, ибора ва сўзлар хусусида ўзгача фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, фикрларга кўра, ортиқча “қолипбозлик” матн ёки нутқнинг қуруқ, графаретли, зерикарли қилиб қўйиши мумкин. Бироқ қолип лисоний хилма-хилликка зид бўлмай, муаллифдан индивидуал маҳорат, ўзига хослик, оригиналлик ва юксак дидни ҳам тақозо этади. Бу борада С. И. Виноградов ҳам қуйидаги фикрни билдирган: “...матбуот учун анъанавий бўлган андозавийлик умумлисоний хусусият эканлигидан далолат беради. Бироқ лисоний андоза турли услубларда ҳар хил намоён бўлади” (6, 44–46).

Ўзбек газета тилида ҳаракатчан ва ўзгарувчан шаклда, ахборот жанрларида андозавийлик кўзга яққол ташланади: *қабул қилинган эди, эътирозларга сабаб бўлди, янги қонунга эҳтиёж туғилди, батафсил тартибга солинди, қайд этилди, эътибор қаратилди, кафил бўлиши мумкинлиги белгиланди, аниқлаб олинди, ажратади, умумий йиғилишида белгиланади, амалга оширилиши мумкин, белгилаш чораларини кўради, шароит яратади, жорий қилинади, таъминланади.* Бундай ҳолатни газетанинг инглизча матнларида ҳам кузатиш мумкин: *have been recently, was happened, to take part, have visited, was adopted, divide into, split out, according to, was passed, comes after an all-day meeting, has notified, is expected to be modest, during the presentation to, has raised a debate among experts, to announce, congratulate, celebrate, have organized* ва ҳ.к.

Тадқиқотчилар газетадаги андозавийликни доимий ва ижобий аҳамиятга эга хусусият сифатида баҳолаган “ахборот истеъмолчисининг иложи борича кўпроқ қисмини ва иложи борича юкори даражада тезкорлик билан ўз вақтида ахборот етказиш зарурати уни ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлашуви ва механизациялашувига олиб келади. Газетадаги энг кўп ва тез-тез қўлланадиган ибора ва жумлалар тайёр қолип асосида тузилади. Улар газета материаллини тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқилади ва лисоний қолиплар тарзида намоён бўлади” (7, 183). Бу ўзбек ва инглиз газеталари тилида ҳам кузатилади. Масалан: *эканлиги таъкидланди; бошқарди; олиб борди; таъкидланди; тўғрисида айтилди; қузатилди; вазифалари баён этилди, тааллуқли вазифалар баён этилди* ва ҳ.к. Инглиз газета матнларида ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин: *during the last two months, it is critically important to, some discussion among committee members about, is expected to report results, was good evidence to suggest that, highly effective, the best tool, under control, were authorized, more importantly, leaders have taken measure, to use renewed diplomacy* ва ҳ.к.

Д. Тешабаева “бир муаллиф томонидан яратилган муайян восита бошқалар томонидан қайта-қайта қўлланиши уни қўллаб-қувватлаш натижасида матбуот матнларида ўрнашиб, бошқача қилиб айтганда, газета ва журналларга хос қолип ёки андоза бирликларига айланиб қолади”, деб ҳисоблайди. Масалан: *мазкур босқичда; бугунги кунга келиб; расмий муносабатлар; қаттиқ танқид; кенг кўлам; ўтказилган тадбир; ... учун мусобақалашмоқ; ҳар бир дақиқада; оқ олтин; зангори олов ва б.*

ОАВ томонидан бир хил нутқ андозаларини тақдим этилиши, тил услубини белгилашга ва шу билан дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган бўлади. Медиа тилининг энг яхши

анъналари бўйича лисоний андозалар танлашдан озод қилади, ақлий ҳаракатларни тежайди (10, 169–178).

Маълумотларнинг асосий мазмунини тушунарли ва ихчам ҳолда, шунингдек, бир вақтнинг ўзида сифатли етказиш ва ўқувчига маълум даражада таъсир этиши учун журналистларни турли усул ёки тил воситаларидан унумли фойдаланишга ундайди. Бундан ташқари, газетадаги мақола ҳажмининг чекланганлиги синтактик конструкцияларни соддалаштиришга олиб келади.

Замонавий ОАВда лисоний воситаларнинг нутқий тежалиши газетада андозали тузилмалар ёрдамида амалга оширилади. Турғун тузилмалар информацион функцияни муваффақиятли бажарилиши учун жавоб беради: “Тайёр нутқ формулалари матнларни умумий равишда тушунарли бўлишига ва шунга мувофиқ равишда улар томондан маълумот етказиб берилишига ёрдам беради” (10, 169–178). Андоза иборалар фикр-мулоҳазанинг мазмунини самарали идрок этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Г. Я. Солганик таъкидлаганидек, “нутқни стандартлаштириш — бу турли соҳалар ва мулоқот мақсадлари учун сифимли, коммуникатив — мақбул тайёр нутқий формулаларни яратишга йўналтирилган табиий, объектив жараёндр. Адабий тилнинг ривожланганлиги, мослашувчанлиги, тадқиқ қилинганлиги кўп ҳолларда унинг стандартлаштирилиш даражаси, турли нутқий вазиятлар, мақсадлар учун нутқий клишеларнинг (андозалар, қолиплар) кўпроқ ёки камроқ сони билан белгиланади. Нутқни стандартлаштирилиши ифода воситаларининг автоматлаштирилиши, мунтазамлик, барқарорликка, номлаш ва баҳолашнинг одатий, ижтимоий жиҳатдан боғланган услубига бўлган чуқур мойиллигини акс эттиради” (15, 19–21).

**Асосий қисм.** Ўзбек ва инглиз газеталаридаги воқеалар ривож иларнинг ижтимоий аҳамияти билан белгиланади. Жамиятни қизиқтирадиган тadbирлар ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади: бу давлатлар раҳбарларининг учрашувлари, янги қонунларнинг қабул қилиниши, театр премьералари, спорт тadbирлари, маданият хабарлари, об-ҳаво маълумотлари, банк ва биржа хабарлари ва бошқалар. Бу турдаги воқеа ва ҳодисалар одатий ҳамда доимий такрорланиб турганлиги боис, улар ёритилганда стандарт стереотипли иборалар қўлланилади. Қолаверса, бу хабарларнинг матни ўзбек ва инглиз газеталарида кўпинча бир хил тарзда баён этилади:

**а) давлатлар раҳбарларининг учрашувлари:** “*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель кунлари икки кунлик давлат таширфи билан мамлакатимизга келди*” (Адолат, 2019. № 15). “*US President Donald Trump and his wife Melania have visited the Taj Mahal on the first day of their trip to India*” (Washington Post, 2020. № 58);

**б) янги қонунлар, Президент фармон ва қарорларининг қабул қилиниши:** “*Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 февраль кунини “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириши ва фаолияти самарадорлигини ошириши чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади*” (Халқ сўзи, 2017. № 42). “*On Friday, January 31, President Trump signed a proclamation suspending entry into the United States of aliens who were physically present in the People’s Republic of China.* (USA Today, 2020. № 29);

**в) театр премьералари:** “Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри жамоаси 2019 йил 11 сентябрда 81-мавсумини тантанали равишда очди. Театр репертуаридан ўрин эгаллаган драматург Холиқ Хурсандов қаламига мансуб, Баҳодир Назаров томонидан саҳналаштирилган “Тўмарис” спектакли томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди” (Ойла даврасида, 2019. № 33). “*The performance will play a limited season at Manchester Opera House, from Tuesday September 10 to Saturday October 12, before beginning performances in London at The Shaftesbury Theatre on Saturday November 2*” (The Wall Street, 2020. № 63);

**г) спорт тадбирлари:** “Ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов профессионал боксдаги олтинчи жангини ўтказди” (“Иқтисодий газета”, 2019. №13–14). “*Cristiano Ronaldo celebrates after scoring his 100<sup>th</sup> international goal against Sweden*” (The Wall Street, 2020. № 42);

**д) маданият хабарлари:** “5-10 апрель кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди” (“Маданият”, 2019. №14). “*The Shed opens in April with an eclectic mix of shows and performances*” (New York Times, 2019. № 54);

**е) об-ҳаво маълумотлари:** “Тошкент шаҳрида 7 февраль кuni ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси – 2–4 даража илиқ, кундузи — 15–17 даража илиқ бўлади” (Тошкент оқшоми, 2020. № 18). “*Bright skies are forecast across most of the US on Thursday. Temperatures are set to be as low as 5C in the north, 7C in northern parts of the country and 9C in the southeast as day breaks*” (The Washington Post, 2020. № 18);

**ё) банк ва биржа хабарлари:** “*Capital trust invest*” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога тақлиф этади!” (Биржа, 2019. №39). “*Managed funds service*” promotes your brand, communicates with clients and attracts new institutional & retails investors (Los Angeles Times, 2019. №73).

Газета тили бу шундай бир воситаки, унинг ёрдамида журналист ўз фикрларини ифода этади, ғояларини шакллантиради, мунозара ва баҳсга киришади, фактларнинг тўғрилигини таъминлайди ёки рад этади. Газета лингвистик бирликлари коммуникатив-прагматик контекстнинг лисоний бўлмаган сабаблари ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда тузилади, шунинг учун матнни яратишда, биринчи навбатда, семантик ва прагматик блоклар киритилади (13, 177).

Таҳлилларимизни битта газетада чоп этилган бир нечта жанрдаги мақолалар устида олиб бордик. Масалан, “Маҳалла” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг 2020 йилдаги 8-сонида чоп этилган “Снос” балоси безовта қилмасин десангиз...ёхуд “Мол аччиғи — жон аччиғи” номли мақолада мавзу юзасидан, дарҳақиқат, минг афсуски, масала шунчалик чигалки, суриштирувлар натижасида маълум бўлишича, мазкур ҳолат бўйича, шуни алоҳида таъкидлаш керакки ва ҳ.к. стандарт сўз ва ибораларни кўришимиз мумкин. Худди шу газетанинг “Кўп квартиралари уйлар қандай бошқарилади?” номи билан чоп этилган мақолада ҳам шундан андозали бирикмаларни учратамиз: масала шунчалик чигалки, суриштирувлар натижасида маълум бўлишича, мазкур ҳолат бўйича ва ҳ.к.

Америкада чоп этиладиган “The Wall Street” газетасида ҳам бундай ҳолат кузатилди: *administration official, have said they, would be willing to attend talks, proposed by the European Union, related to program, to take the first step, while several lawmakers, criticized, to provide*



*adequate notification ahead of time, congressional leaders were informed, reported from* ва ҳ.к.

Медиа тили талқинида тилнинг тартибга солувчи функцияси алоҳида аҳамият касб этиб, у, Б. Ю. Норманнинг фикрига кўра, “инсон микроколлективларидаги муносабатларни яратиш, сақлаш ва тартибга солишга” қаратилади ва унинг доираси коммуникатив вазият иштирокчилари ўртасида муносабатларни ўрнатишни ўз ичига олади (13, 296). Бинобарин, “нутқ алоқасини ўрнатиш, сақлаш ёки тугатиш орқали мулоқот жараёнини реал, фаол равишда тартибга солишни амалга оширадиган” лингвистик клишелар тилнинг аниқ тартибга солувчи функцияси соҳасига киритилган (17, 42). Газета — публицистик услубнинг асосий хусусиятларидан бири уларда клише ва штампли иборалардан фойдаланишдир. Осон тан олинishi туфайли улар газета матнини мутолаа қилувчи томонидан идрок этилишини осонлаштиради (1, 194–203).

Клишеларни прагматик характерга эга, барқарор, шакли бўйича қисқа, грамматик жиҳатдан бир тоифали бўлмаган, типик нутқ контекстида тақдим этиладиган эркин иборалар ва фразеологик бирликлар орасидаги оралиқ ясамалар, деб ҳисоблаш мумкин (5, 22). Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, клишелар таъсир доираси, мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар хил ҳодисалардир. Фактларни тўғри акс эттириш оммавий ахборот воситалари учун муҳимлиги боис хабарлардаги хусусиятлар воқеа содир бўлган вақт, макон, шунингдек, ахборот манбасини кўрсатиш билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, клишеларни қуйидагиларга ажратади:

- 1) вақт ҳолатини ифодаловчи клишелар;
- 2) макон ҳолатини ифодаловчи клишелар;
- 3) ахборот манбасини кўрсатувчи клишелар.

Вақт ҳолатини ифодаловчи клишеларда аниқ саналарни кўрсатиш ўрнига қуйидаги жумлалардан фойдаланиш мумкин: *ўтган ҳафта, жорий йил, навбатдаги ҳафта, келаси ҳафта, ўтган йил, бу йил, ҳозирда, айни пайтда* ҳамда инглиз тилида *this morning, last year, next year, next week, last time, some years ago* бошқалар газета матнларида фаол қўлланилиб келинмоқда.

Маконни ифодаловчи клишелардан одатда сарлавҳаларни яратишда фойдаланилади, асосан, мақоланинг бошида ишлатилади. Бу турдаги клишелар газета нашрларига қараганда телевизион нутқда кўп учрайди: *юртимизда, пойтахтимизда, миллий матбуот марказида, “Ўзэкспо” кўرғазмалар залида, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида, Ўзбекистон миллий университетида* ва инглиз газета матнларида *central part of the city, at Congress, capital city* ва бошқалар.

Кўпгина сабабларга кўра оммавий ахборот воситалари ўзларининг маълумот манбаларини яширишга ҳаракат қилишади. Бу жараёнда ноаниқ клишелер ишлатилади. Улар шаклдаги маълумотларнинг қанчалик тўғри эканлигига ва яқин келажакда ўзгаришига қараб фарқланади. Бу турдаги клишелар ахборот манбасини кўрсатувчи клишелар деб номланади.

Штамплар худди клише сингари публицистик нутқда кенг қўлланилади. Н. Н. Кохтевнинг фикрича, газетанинг вазифаси ва уни яратилиш шароитлари тилнинг семантик ва тузилмавий таранглик даражаси, “конденсация” ланиши билан боғлиқ бўлган тайёр формулалардан фойдаланишга олиб келади (12, 40–45). Тез-тез такрорланиш натижасида сийқаси чиққан, одатий бўлиб қолган иборалар; стереотип равишда ифодаланиладиган қолип фикр,

ҳолбуки штамп тушунчаси на аниқ номланишга, на таърифга эга. “Штамп” номини сигнификатини аниқлашда, луғатлар перифрастик таърифларни таклиф қилади (3, 317–332).

Э. Розентал ва М. Э. Теленкова ўзларининг маълумотномалугатида “клише” ва “штамп” тушунчалари ўртасида аниқ чегарани белгилашади: клише — бу маълум бир шароит ва контекстларда осонликча тақдим этиладиган андоза сифатида ишлатиладиган “нутқий стереотип, тайёр ибора”. Луғавий маъноси заифлашган ва ифодалилигини йўқотган сийқаланган иборани ифодалидиган штампдан фарқли ўларок, клише ўзининг семантикасини ва кўп ҳолларда экспрессивлигини сақлайдиган тузилмавий бирликни ҳосил қилади (14, 148).

Бир қатор олимлар клишени штампдан семасиологик алоқаларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги аломатлари, андозани маълум шартларига боғланганлик ёки боғланмаганлиги, семантикани аниқлиги ёки сийқаланганлиги бўйича ажратишни таклиф қилишмоқда (11, 237). Шунингдек, штампга уни клишедан ажратишда лингвистик бирлик, “интеллектуаллаштирилган ифода воситаси” сифатида қаралади (8).

Тадқиқотчилар клишеларни, шунингдек, образли бўлмаган клишеланган иборалар, образли бўлмаган аналитик лексик-номинатив бирликлар (лингвистик, идиоматик, аналитик, аломатлар — фразеологизмлардан фарқли ўларок), шунингдек, лисоний предикатларни — образли бўлмаган клишеланган жумлалар ва матнлар сифатида таърифлайдилар; бошқа олимлар нуқтаи назардан клишеларга айланган идиомалар (идиома-клишелар) ҳам турғун фикр-мулоҳазалар, тайёр иборалар ва бошқа тиллардаги кенг тарқалган ҳикматлар билан бир қаторда клишелар тоифасига киради. Шу билан бирга, стереотип-клишелар ва уларнинг қуйидаги турлари ажратилади: **нутқий, коммуникатив, нутқий-ақлий**.

Штамплардан фарқли ўларок, клишелар (нутқий андоза) — бу тайёр, муайян вазиятларда ва мулоқот соҳаларида тақдим этиладиган оборот бўлиб, у фикрни лаконик равишда ифодалайди ҳамда адресат томонидан салбий муносабатни келтириб чиқармайди. Клишенинг хусусиятлари: тайёр нутқий формулаларни осон тақдим этиш; семантиканинг аниқлиги, конкретлаштириш; формал-семантик стандартлаштириш; мулоқотни осонлаштириш, вақт ва кучни тежаш билан бирга фикрнинг лаконик ифодасидан иборат. Нутқий штамп барқарорлиги, тақдим этилиши, ишлатилишининг автоматизми жиҳатидан клишега ўхшайди ва баҳоланиш жиҳатидан қарама-қарши келади.

Публицистик услубда ўрнашган нутқий андозалардан нутқий штампларни — расмий тусга эга нутқининг қолип оборотларини ажратиш керак. Расмий-амалий услубнинг таъсири натижасида пайдо бўлган нутқий штамплар орасида, авваломбор, нутқининг қолип оборотларини: *ушбу босқичда, шу даврда, бугунги кунда, амалда бўлган* ва инглиз тилидаги газета матнларида *several times, this period, at the same time, at the moment, today, nowadays, at this time of the year, in a different political environment* ва ҳ.к. келтириш мумкин.

Масалан: “**Бугунги кунда** бозорларда нарх-навонинг кўтарилиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида ишчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда” (Янгиланаётган Ўзбекистон, 2019. № 84); “**Ушбу босқичда** энергия ресурсларини тежаш ишлари амалга оширилиши назарда тутилган” (Иқтисодий газета, 2018. № 22). Инглиз тилида: “**This period**, rather than being the leftover years, may be one of the sweet spots in

life” (“The Wall Street”, 2016. № 187); “*At this time of a year, Australians like to enjoy a dip in the Ocean*” (Los Angeles Times, 2019. № 132).

Нутқий штамп хусусиятларининг турли хил таърифлари ва тавсифлари мавжуд. Ўз шакллари бўйича штамплар кўпинча клишелар, стереотиплар, фразеологик бирликлар, мақоллар, цитаталар ва бошқа ҳодисалар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни ажратиб олишни қийинлаштиради. Баъзи тадқиқотчилар “штамп” ва “клише” тушунчаларини ҳатто синоним сифатида кўриб чиқадилар. Мисол учун, В. Н. Ярцева томонидан таҳрир қилинган катта энциклопедик луғат куйидаги тавсифни беради (4, 558–559), “нутқий штамп — бу маълум бир тил соҳибларининг коллектив онгида барқарор, “фойдаланиш учун тайёр” ва шу сабабли экспрессив ва образлиликка эга бўлган маълум бир лисоний мазмунни ифода этиш учун энг “қулай” белги сифатида сақланадиган нутқнинг стилистик равишда тус олган воситаси” (16, 133–138).

Е. В. Гринкевичнинг фикрига кўра, нутқий штампларнинг категориал хусусиятлари куйидагилардир:

— камайтирилган стереотипли ифодалилик: семантика ва тузилишнинг бир хиллиги, тузилишларнинг сериялилиги;

— алоҳида шаклланиш, камида иккита лексик таркибий қисмларнинг мавжудлиги; бирикмаларнинг турғунлиги, компонент сўзларни десемантизация қилиш;

— стилистик равишда тус олган тузилмаларни бошқа мақсадларда ишлатиш, уларнинг матндаги бошқа элементлар билан услубий ва семантик мос келмаслиги; ҳажм бўйича катта бўлмаган матнда, нутқнинг бир услубли матнларда бирликлардан ортиқча фойдаланиш (9, 7–8).

Штамплардан фойдаланиш фикр-мулоҳазанинг ҳиссийлигини, унинг ахборотлилигини пасайтиради ва натижада аудиторияга таъсири ҳам йўқолади.

Медианутқда турли хил: расмий-амалийга оид, илмий, одо-ахлоққа доир (ўзбек газеталарида) клишелар кенг қўлланилади. Тўғри фойдаланишда улар ўзларининг аниқ маълумотни етказиш, мантиқий ва ишонарли мулоҳазаларни яратиш ва аудитория билан алоқа ўрнатиш каби асосий функцияларини бажаришда давом этади.

Ўзбек ва инглиз газета матнини иложи борича аниқ ва маълумотли қилиш учун журналистлар тасвирланган маълум бир соҳадаги атамалар ва оборотларни унга киритишга мажбур. Аммо публицистика асосий эътиборни оммавий ўқувчига қаратганлиги сабабли бундай оборотлар тушунарли ва кенг қўлланилиши керак. Уларга куйидаги оборотлар киради: *музокаралар олиб бормоқ, қонун лойиҳасини қиритмоқ, битимни имзоламоқ, тузатишларни маъқулламоқ, қарши чиқмоқ, сиёсатни ўзгартирмоқ* ва ҳ.к.

Инглиз газета матнида *make a meeting, organize round table, conflict between social parties, to attract foreign capital, to control borders, to visit foreign countries, make a dialogue, make a speech, increase social life of citizens, to sign an agreement* ва ҳ.к.

Таъсир ўтказишда стереотиплар (клише, штамплар) ва баҳолашнинг (аксиологик лексика) роли шубҳасиз. Мулоҳазалар, фикрлаш ва нутқдаги қолип (штамп ва стереотип)ларнинг тахминийлиги, қолипларни эмоционаллик нуқтаи назаридан жалб қилиш мазкур услуб хосил қилувчи омиллар таъсири натижаларидандир.



Ўзбек газета матнида нейтрал ва умумий китобий фонда: *ходим, назорат, устун бўлмоқ, қабул қилмоқ* ва ҳ.к. инглиз тилидаги *administration, patience, event, extraordinary, initiative, election, to vote, to visit, to elect*; касбий: *ҳуқуқий, молиявий, дипломатик*; инглиз тилидаги *balance, presidency, security, political, social, economical* ва ҳ.к.; терминологияга оид *даъвогар, зиммасига қўймоқ, тариф жадвали, ижара тўлови, федерал органлари, бюджет муассасалари*, инглиз тилидаги *commission, candidate, election, campaign, agreement* каби сўз ва сўз бирикмалари, шунингдек, расмий-амалий услубда ишлатилиши камчилик ва ҳатто хато бўлмаган, балки стилистик махсус меъёр: *лозим бўлган, юқорида келтирилган, яхшилаш мақсадида, кучга кирмоқ, ўтган даврда, маълумот етказмоқ*, инглиз тилидаги *opposition parties and figures, to be introduce, to use different methods/ways, rules for understanding, mutual understanding* ҳисобланган расмий штамп ва клишелар ишлатилади.

Мисол учун: **“Юқоридаги келтирилган муаммоларни бартараф этиши бўйича чора-тадбирлар белгиланди”** (Жамият, 2018. № 16). **“Худуднинг чекка туманларини қамраб олган ва аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида ташиқил этилган тиббий кўрикда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногиронлиги бор фуқароларга биринчи навбатда хизмат кўрсатилди”** (Тиббиёт ва ҳаёт, 2017. № 8). Инглиз тилида: **“Reach an agreement** on coaching that will apply to all the sectors of the pro game” (The Washington Post, 2017. №62). **“Mr. Fayulu, the candidate** of the a broad coalition of **opposition parties and figures, would not be likely to give the outgoing cabal a pass”** (The New York Times, 2019. № 85).

Баённинг ўта қуруқ ва нейтрал услуби нафақат оғзаки, бундан ташқари, жаргон ва диалектал сўзлардан, балки ҳис-ҳаяжон тусга эга адабий сўзлардан халос бўлиши шарт. Расмий-амалий услубда қисқартма сўзлар (*МДХ*) ва феъллардан ҳосил бўлган отлар (*ҳужжатлаштириш, сақлаш, риоя қилмаслик*) тез-тез ишлатилади, чунки ушбу услуб ном феълдан яққол устун бўлишлиги билан таърифланади. Нутқий клишенинг ўзгартирилиши сўзларнинг тартибини ўзгартириш принципига асосланиши мумкин. Газета контекстида ўрганилаётган клишеларнинг иккита тури композицион-синтактик имкониятларда фарқини намоён қилади. Шундай қилиб, нутқий клишеларнинг анъанавий хусусияти ва синтактик шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ушбу ясамаларни ўзгартириш жараёнига баъзи чекловларни келтириб чиқаради (16, 317–332).

Клишеларнинг лисоний мақомига ягона илмий нуқтаи назарнинг йўқлигига қарамай, такрорланувчанлик ва расмий-семантик стандартлаштириш каби клишеларнинг таркибий хусусиятлари, одатда барча тадқиқотчилар томонидан тан олинади. Ушбу лисоний белгиларнинг семантик шаблонлиги штампдан фарқли ўлароқ, маънонинг семантик асосланмангалиги, денотат-белгининг семасиологик алоқасининг “хиралашиши” эмас, балки клишеларни семиотик табиатининг зарурий кўрсаткичи сифатида тушунилиши керак.

Шунингдек, тадқиқотчилар таъкидлашадики, клише коммуникатив ҳаракатнинг таркибий бирлиги сифатида унинг маълумот қийматини бузмайди, балки умумий аҳамиятга эга маълумотни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу билан бирга, клишеланган белгиларидан фойдаланишнинг юқори частотаси

уларнинг қуйидаги дисфункцияларига олиб келади: семасиологик алоқаларни йўқ қилиниши, ҳиссий-баҳоловчи таркибий қисмни йўқотилиши ва штампга айланиши.

Публицистик услубда штамплар сифатида эътироф этиладиган қўлланилиш доираси кенг бўлган тил воситалари: *мақсадида, мувофиқ, биноан, белгиламоқ, тасдиқламоқ, кучайтирмоқ, назорат ўрнатмоқ, зиммасига юкламоқ, таклиф киритмоқ, таъминламоқ, чора кўрмоқ, ишлаб чиқмоқ, жорий этмоқ, ташиқил этмоқ, қабул қилмоқ, амалга оширмоқ, тавсия этмоқ, зиммасига юкламоқ* ва инглиз тилидаги *to declare, argue that, prove to, further, warn on, in order to, debate surrounding the vote, compare with, focus on, adopt to, celebrate, accept, solve the problem, visit, advice, check, suppose that, operate to, maintain, provide, happen* кабилар шулар сирасига киради.

Масалан: *Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф киритилди* (Адолат, 2018. № 25); *Шу мақсадда жорий ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошида янги таркибдаги “Ёш олимлар кенгаши” ташиқил этилди* (Миллий тикланиш, 2017. № 16). Инглиз тилида: *Debate surrounding the vote will better define what politicians want and what prime minister can take back for further negotiations with European officials* (New York Post 2017. №21); *In researching his new book, Mr. Freedman found himself focused on the now-entrenched reality of age segregation in United States what can be done to bring older Americans back into the fold, especially as more people live longer* (Daily News, 2019. №43).

Публицистик услубда матн яратишда асосий функцияни бажарувчи: *ўтган давр мобайнида, ҳисобот даврида, муайян ишлар, эътиборга олиб, инобатга олиб, кун тартибидаги масала юзасидан, қарор қилди/қилади, белгиланган тартибда* сингари жумлаларни ҳам шу қаторга киритиш мумкин.

Инглиз газета матнида ҳам асосий функцияларни бажарувчи қуйидаги жумлаларни учратиш мумкин: *material facts, latest government shutdown, economic downturns, significant works, important role, at the period of time, main factors* ва ҳ.к.

Мисол учун, *“Muriel Bowser, mayor of Washington, issues marriage licenses to couples unable to secure them because of the U.S government shutdown”* (The Washington Post, 2019. № 30). Ўзбек тилида: *Йиғилишида йилнинг ўтган даври мобайнида корхона фаолиятининг асосий йўналишларида эришилган натижалар сарҳисоб қилинди, амалга оширилган муайян ишлар эътироф этилди* (Халқ сўзи, 2019. № 47).

Ўзбек ва инглиз тилларида ижтимоий-сиёсий лексик бирликларнинг клишелик даражаси ҳамда уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари (барча мисоллар ўзбек ва инглиз газеталаридан олинган): *ўз-ўзини ишонтириш — self-assurance; ўз-ўзига ишонини — self-affirmation; ўзликни англаш — self-consciousness; ўз-ўзини бошқариш — self-correction; ўз-ўзини ҳимоя қилиш — self-defence; машҳур шахс — famous person; шахсий — personal; хорижлик — alien; фойда, манфаат — benefit* ва ҳ.к.

Масалан, ўзбек тилидаги: *“Миллий ўзликни англаш учун маънавий қадриятларни қайта тиклаш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиш, маънавий-маърифий соҳадаги муаммоларни ҳал эта бориш ҳам талаб қилинади”* (Миллий тикланиш, 2017. № 14); *“Ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик,*

ўз-ўзига ишонии ёки бепарволик орқасида содир этилади” (Куч — адолатда, 2016. №11). Инглиз тилида: “*On Wednesday the Chinese ambassador to Canada acknowledged the arrest was “retaliation for Canada’s detention of Meng” but described the action as “self-defence” and criticism of China’s actions as “western egotism and white supremacy”*” (“Daily News”, 2019. №43; “*What self-evident is warmth and intimacy between these 3 creators?*” (New York Post, 2017. № 21); “*Of course, study-after-study verifies there are surging numbers of EU migrants: that is to the benefit of the UK, but that is not an argument Cameron would care to make*” (“The New York Times”, 2019. № 19).

Инглиз тилидаги газета матнларида куйидаги стандарт жумлаларни қўллаш одатий ҳол эканлиги аниқлангани кузатилди: *House of Representatives* — Вакиллар палатаси; *Democrats* — Демократик партия; *Congress* — АҚШ парламенти Конгресс; *Republican Party* — Республикачилар партияси; *Admiralty Law* — Ҳарбий-денгиз ҳуқуқи; *Crown Law* — жиноий ҳуқуқ; *Father of the House* — амер. 1) умумийлар палатасининг ёши ўтган аъзоси; 2) “палата отаси”, вакиллар палатасининг ёши ўтган аъзоси; *federal (Federal)* — федерал, умумдавлатга, ҳукуматга оид ва ҳ.к. Масалан, “*American Federal Court that issues licences for the USA capital has been closed for lack of funding*” (The Washington Post, 2019. № 30). “*Democrats in the House of Representatives passed legislation to reopen some agencies, but Senate Republicans refused to consider the Bills, standing by President Donald Trump is demand for border wall funds*” (New York Post, 2017. № 21).

Ўзбек газета матнида стандарт сўз бирикмалари функционал-семантик гуруҳига куйидаги мисолларни келтириш мумкин: *ҳуқуқий давлат; халқаро ҳуқуқий ҳужжат; демократик янгилашиш; мустақил Ўзбекистон; миллий мустақиллик мафқураси; истиқлол гоёси; қўшма корхоналар; ташқи сиёсий тамойиллар; миллий манфаатлар; халқаро муносабатлар модели; гуманистик қадриятлар; мустақил ташқи сиёсат; бозор ислохотлари; миллий қонунчилик; ижтимоий дастурлар; динлараро бағрикенглик ва ҳ.к.лар.*

Мисол учун: “*Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб беришида миллий қонунчилик ва сайлов амалиётимизнинг аҳамияти беқиёсдир*” (XXI аср, 2016. № 20); “*Республикамиз пойтахти Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда мамлакатни демократик янгилаш жараёнида парламент ва ҳокимият вакиллик органлари вазифалари таҳлил қилинди*” (Ўзбекистон овози, 2018. № 12).

Бу турдаги мисоллар инглиз тилидаги газета матнларида ҳам мавжуд: *national security, serious consequences, international furore, territorial ambitions, constitutional changes, interactable conflicts, principles of democracy, electoral process, tax and housing reforms, parliamentary rules, international institutions, regional development. “They accused John Bercow, the Commons Speaker, of displaying pro-European bias in changing parliamentary rules”* (The Boston Globe. 2019, 34).

Клишеларнинг ажратилган турлари орасида публицистик турига мансуб сиёсий клишелар алоҳида қизиқиш уйғотади. Кўп ҳолларда публицистик ва сиёсий клишеларни ажратишда давлат раҳбарлари нуткида маълум коммуникатив мақсадларда ишлатиладиган шаблонли ибора сифатида тавсифланади. Шубҳасиз, клишеланган лисоний белгиларнинг бошқа турларидан фарқли ўларок, тан олиниши,

прогноzlаниши, ва натижада, сиёсий клишеларни маълум бир контекстда тушунилиши, ўзга тил коммуникантидан нафақат хорижий тил ва ижтимоий-маданий контекстни билишни, балки ушбу лисоний белгиларнинг маданий семантикасини ҳам тушунишни талаб қилади.

Сиёсат соҳасидаги энг кенг тарқалган атамалар ва профессионализмларни штамплар қаторига киритиш уларни қўлланилиш частотаси билан белгиланади: масалан, ўзбек тилидаги газета матнларида сиёсий атамаларнинг қуйидаги шаклларини учратиш мумкин: *минтақалараро муносабатлар, давлат ташрифи, кун тартибидан ўрин олган, икки томонлама келишувлар, давлат ўртасидаги ҳамкорлик, президентлар учрашуви* ва ҳ.к. Мисол учун: “*Кун тартибидаги асосий масала икки томонлама ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиши, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди*” (Халқ сўзи. 2018. № 77).

Инглиз газета матнларида *presidential campaign, part-time speech, public opinion, politics, federal government, state officials, partial government, prime minster, politicians, have a conversation, to keep the rule, cite the damage, Democrats, official Washington* каби сиёсий атама ва ибораларни кўплаб учратиш мумкин.

Бу турдаги мисоллар “The New York Times” газетасининг 2016 йилдаги 8-сонидан ишлатилган: “*The president’s demand for money to build a wall, the signature promise of his 2016 presidential campaign, has smashed into the flat rejection of that idea by congressional Democrats*”; “*State officials have accused Trump of playing politics with the California wildfires. He delivered a prime-time speech that repeated his familiar litany of exaggerations, falsehood and guilt-by-associations*”; “*Brian Rice, president of California Professional Firefighters, cited the damage in and around Paradise, California and said the people there have only began to able to rebuilt their lives*”; “*Attorneys general from Pennsylvania and some other states are trying to keep the rule from going into effect on Monday*”; “*By invoking the language of crisis, Trump is hoping to shift the largely negative public opinion about his wall*”.

Ўзбек газета тилида қўлланиладиган баҳоловчи-характерловчи сўз бирикмалар бундай табиатга эга умумидабий стандарт, яъни клишелар сирасига киради, жумладан, *самимий табрик; дўстона муносабатлар; эзгу тилаklar; камоли эҳтиром(ила); эсдалик совга; чуқур таъзия; чуқур ҳурмат; кучли фуқаролик жамияти; доимий ҳамкор; юқори баҳо* ва шу каби шахсий фикрни ифодаловчи стандарт сўз бирикмалари.

Хусусан, “*Хитой элчиси ўз нутқида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка юқори баҳо берди. Қайд этилишича, ўтган 2016 йил Хитой ва Ўзбекистон учун муҳим ҳодисаларга бой бўлди. Маълумки, кучли фуқаролик жамиятини қуриш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит, мустақил тизимини шакллантириш лозим. Қолаверса, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришига оид таклифларни қўллаб-қувватлаш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади*” (Халқ сўзи, 2019. № 191).

Бу каби сўз бирикмаларини Америка газеталарида ҳам учратиш мумкин. Жумладан: *useful friendship, close political tie, bilateral relations, deep devisions, sincerely, declare solemnly and sincerely, friendly*



*relations, good wishes, respectable, great appreciation. "This leaves deep divisions in both parties as to the best outcome"* (The Washington Post, 2018. № 67); *"In spite of the long distance between China and the USA have traditionally maintained friendly relations"* (The New York Times, 2017. № 82); *"He questioned the neutrality of an institution whose head was known to have close political ties with the President and Congress"* (Daily News, 2020. № 43).

**Хулоса.** Замоनावий оммавий ахборот воситалари жамиятнинг маданий кадриятларини, унинг дунёқарашини, ахлоқий ва эстетик афзалликларини акс эттиради. Шу билан бирга, ОАВ матни ҳам ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Публицистик услубнинг сўз бойлиги хилма-хил бўлиб, унда доимий стандартлаш, ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини кузатиш мумкин. Медиа тили ўзининг доимий хусусиятларига эгаллиги билан фарқланади. Хусусан, у баъзи лисоний ўзгаришларни қабул қилади, идрок этади ва сўзларнинг маъноларини қисқа ифода этиш тамойилига амал қилади. Бу икки тамойил клишеланган конструкциялардан фойдаланишда ўз ифодасини топган. Клише ва штамплардан фойдаланиш матнни қийинлаштирмайди, балки аудиторияга содда тилда етказишга хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳамдир. Умуман олганда, газета ахборот воситаси, у катта ва кенг аудитория учун мўлжалланган. Шу боис ҳам маълумотларни тез, осон ва ишончли етказиш зарурияти пайдо бўлади. Матн яратиш, воқеа ва ҳодисаларни ўқувчига қисқа вақт ичида етказиш штамплар ва клишелардан фойдаланишга олиб келади.

Айтиш мумкинки, "штамп" ва "клише" тушунчалари ҳар хил таърифларга эга. Баъзи тадқиқотчилар бу тушунчаларни аниқ фарқлайдилар, айримлари эса бу сўзларни синоним деб ҳисоблашади. Клише ва штамплар осон такрорланадиган, семантиканинг равшанлиги, фикрнинг лаконик ифодаси билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш матн яратиш жараёнини осонлаштиради, куч ва вақтни тежайди. Мавзуларнинг кенг доираси ва уларнинг такрорланиши ўзига хос тематик клише ва штампларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, спорт мавзуларига оид клише ва штамплар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, клише ва штамплардан фойдаланиш публицистик услубнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Тайёр иборалардан фойдаланиш оммавий ахборот воситалари соҳасида муҳим бўлган матнни тезда яратишга имкон беради. Бироқ, мулоқотга оид саъй-ҳаракатларни минималлаштириш истаги жуда кўп сонли матнларни клише ва штамплар билан аралаштиришига, уларнинг экспрессивлигини йўқотилишига олиб келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алексеева И.С. Профессиональное обучение переводчика: Учебное пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей. — СПб.: Союз, 2001. — 288 с.
2. Балли Ш. Французская стилистика. — М., 1961. — 392 с.
3. Беликова Г.В. Функционально-прагматическая семиотика клишированных языковых знаков // Преподаватель. — 2015. — № 2. — С. 317–332. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/funktsionalno-pragmaticheskaya-semiotika-klisirovannyh-yazykovyh-znakov>
4. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. — М: Советская энциклопедия, 1998. — 684 с.



5. Бурунский В.М. Клише: языковые характеристики, функционирование и типология (на материале французского и английского языков). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. — Курск, 2009. — 22 с.
6. Виноградов С.И. Язык прессы как сфера формообразования и нормативной рефлексии // Язык СМИ и общие проблемы современной публицистики. Тезисы научной конференции. — М., 1994. — С. 44–46.
7. Винокур Г.О. Культура языка: Очерки лингвистической технологии. — Москва: Работник просвещения, 1935. — 216 с.
8. Гвоздев В. В. Контекст и некоторые проблемы парадигматики клише // Роль контекста в реализации семантических особенностей языковых единиц. — Курск: Издательский дом, 1987. — 145 с.
9. Гринкевич Е.В. Речевые штампы: динамика их экспрессивности. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. — Ростов-на-Дону, 2007. — 18 с.
10. Дридзе Т.М. Ассоциативный эксперимент в конкретном социологическом исследовании // Семантическая структура слова. Психологические исследования. — М.: Наука, 1971. — С. 169–178.
11. Иванкина Н.Н. Профессиональная речь юриста. — М: Норма, 2010. — 448 с.
12. Кохтев Н.Н. Клише и газетная речь // Вестник МГУ. — 1968. — № 3. — С. 40–45.
13. Норман Б.Ю. Теория языка. — М.: Флинта: Наука, 2004. — 296 с.
14. Розенталь Д.Э. Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов (2-е изд). — М.: Просвещение, 1976. — 543 с.
15. Солганик Г.Я. Общие особенности языка газеты // Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды: Печать, радио, телевидение. — М.: МГУ, 1980. — С. 19–21.
16. Сорокин Ю.А. Стереотип, штамп, клише: К проблеме определения понятий // Общение: Теоретические и прагматические проблемы. — М., 1998. — С. 133–138.
17. Стрибижев В.В. Речевые клише в современном английском языке: метакоммуникативная функция. Дис. ... канд. наук. — Белгород, 2005. — 191 с.
18. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри.... дисс. — Тошкент, 2012. — 330 б.
19. Щерба Л.В. Язык. Система и речевая деятельность. — Л.: Наука, 1974. — 427 с.

### References

1. Alekseeva I.S. *Professional'noe obuchenie perevodchika: Uchebnoe posobie po ustnomu i pis'mennomu perevodu dlya perevodchikov i prepodavatelei* (Professional Translation Training: A Textbook on Interpretation and Translation for Translators and Teachers), Saint Petersburg: Soyuz, 2001, 288 p.
2. Balli Sh. *Frantsuzskaya stilistika* (French style), Moscow, 1961, 392 p.
3. Belikova G.V. *Prepodavatel'*, 2015, No.2, pp. 317–332, available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/funktsionalno-pragmaticheskaya-semiotika-klisheirovannyh-yazykovyh-znakov>
4. *Bol'shoi entsiklopedicheskii slovar'. Yazykoznanie*. Moscow: Sovetskaya entsiklopediya (Large Encyclopedic Dictionary. Linguistics), 1998, 684 p.
5. Burunskii V.M. *Klishe: yazykovye kharakteristiki, funktsionirovanie i tipologiya (na materiale frantsuzskogo i angliiskogo yazykov)* (Cliche:

- Language Characteristics, Functioning, and Typology (based on French and English)), extended abstract of candidate's thesis, Kursk, 2009, 22 p.
6. Vinogradov S.I. *Yazyk SMI i obshchie problemy sovremennoi publitsistiki. Tezisy nauchnoi konferentsii* (The Language of Mass Media and General Problems of Modern Journalism. Abstracts of the scientific conference), Moscow, 1994, pp. 44–46.
  7. Vinokur G.O. *Kul'tura yazyka: Ocherki lingvisticheskoi tekhnologii* (Language Culture: Essays on Linguistic Technology), Moscow: Rabotnik prosveshcheniya, 1935, 216 p.
  8. Gvozdev V. V. *Rol' konteksta v realizatsii semanticheskikh osobennostei yazykovykh edinits* (The Role of Context in the Implementation of Semantic Features of Language Units), Kursk: Izdatel'skii dom, 1987, 145 p.
  9. Grinkevich E.V. *Rechevye shtampy: dinamika ikh ekspressivnosti* (Speech Stamps: the Dynamics of Their Expressiveness), Extended abstract of candidate's thesis, Rostov-na-Donu, 2007, 18 p.
  10. Dridze T.M. *Semanticheskaya struktura slova. Psikhologicheskie issledovaniya* (Semantic Structure of the Word. Psychological Research), Moscow: Nauka, 1971, pp. 169–178.
  11. Ivankina N.N. *Professional'naya rech' yurista* (Professional Speech of a Lawyer), Moscow: Norma, 2010, 448 p.
  12. Kokhtev N.N. *MSU Bulletin*, 1968, No. 3, pp. 40–45.
  13. Norman B.Yu. *Teoriya yazyka* (Language Theory), Moscow: Flinta: Nauka, 2004, 296 p.
  14. Rozental' D.E. Telenkova M.A. *Slovar'-spravochnik lingvisticheskikh terminov* (Dictionary-Reference Book of Linguistic Terms), Moscow: Prosveshchenie, 1976, 543 p.
  15. Solganik G.Ya. *Yazyk i stil' sredstv massovoi informatsii i propagandy: Pechat', radio, tevidenie* (Language and Style of Mass Media and Propaganda: Print, Radio, Television), Moscow: MGU, 1980, pp. 19–21.
  16. Sorokin Yu.A. *Obshchenie: Teoreticheskie i pragmaticheskie problem* (Communication: Theoretical and Pragmatic Problems), Moscow, 1998, pp. 133–138.
  17. Stribizhev V.V. *Rechevye klishe v sovremennom angliiskom yazyke: metakommunikativnaya funktsiya* (Speech Cliches in Modern English: a Metacommunicative Function), Candidate's thesis, Belgorod, 2005, 191 p.
  18. Teshabaeva D.M. *Ommavii akhborot vositalari tilining nutq madaniyati aspektida tadqiqi (Uzbekiston Respublikasi OAV misolida)* (Research of the Language of Mass Media in the Aspect of Speech Culture (on the Example of Media of the Republic of Uzbekistan)), Doctor's thesis. Tashkent, 2012, 330 p.
  19. Shcherba L.V. *Yazyk. Sistema i rechevaya deyatel'nost'* (Language. System and Speech Activity), Leningrad: Nauka, 1974, 427 p.